ISSN: 2181-3906 2025

International scientific journal «MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 4 / ISSUE 3 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

# ФУТБОЛДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАР, ТЕХНИК-ТАКТИК ХАРАКАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

**Ярашев К.Д.**
ЎзДЖТСУ. Профессор.
**Казоқов Р.Т.**
ЎзДЖТСУ. Катта ўқитувчи.
**Абдуллаев И.И.**
ЎзДЖТСУ. Ўқитувчи.
**Бўронов А.Б.**
ЎзДЖТСУ. Ўқитувчи.

https://doi.org/10.5281/zenodo.15034578

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада спорт машғулотларида футболчиларнинг техник-тактик харакатларнинг ривожланиш даражасини тиклаш воситалари ҳақида сўз боради.*

*Мақола давомида асосли фикр ва мулоҳазалар бериб ўтилган.*

***Калит сўзлар:*** *Педагогик воситалар,спорт машғулотлари,педагогик услубиятлар ѐш футболчиларнинг спорт маҳорати ҳусусиятларини аниқлаш, куч,тезкорлик, чидамкорлик, эпчиллик каби сифатларни ривожланиш даражаси.*

# ASSESSMENT OF THE LEVEL OF DEVELOPMENT OF PHYSICAL QUALITIES, TECHNICAL AND TACTICAL MOVEMENTS IN FOOTBALL

***Abstract.*** *This article talks about the means of restoring the level of development of technical and tactical movements of football players during sports training. Reasonable opinions and comments are given throughout the article.*

***Key words:*** *Pedagogical tools, sports training, pedagogical methods, determination of sports skill characteristics of football players, level of development of qualities such as strength, speed, endurance, dexterity.*

# ОЦЕНКА УРОВНЯ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ, ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ В ФУТБОЛЕ

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются средства восстановления уровня развития технико-тактических движений футболистов в процессе спортивной тренировки. В статье представлены обоснованные мнения и соображения.*

***Ключевые слова:*** *Педагогический инструментарий, спортивная тренировка, педагогические методы, выявление особенностей спортивного мастерства юных футболистов, уровень развития таких качеств, как сила, быстрота, выносливость, ловкость.*

**Кириш**. Ўзбекистонда футбол ривожига катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан оҳирги йилларда бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди: “Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (18.03.1993 й), “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнингташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида” (17.01.1996й), “Ўзбекистонда футболни ривожлантириш Жамғармаси фаолиятини яхшилаш ва уни қўллабқувватлаш чоралари тўғрисида” (06.07.1999й). 2006 йил Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “Ўзбекистонда футболни ривожантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармон имзоланди. Унда, оҳирги йилларда футбол бўйича Миллий чемпионатлар обрўси ва даражасини ошириш бўйича ишлар етарлича олиб борилмаѐтганлиги, юқори малакали ва спорт заҳиралари тайѐргарлигини ташкил этиш ва мазмунига етарли даражада аҳамият берилмаѐтганлиги баѐн этилган. Ўкув-машғулот жараѐни ва вилоятларда болалар-ўсмирлар жамолалари орасида мусобақаларни паст даражада ташкил этиш, алоҳида ҳудудларда жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ишининг яхши йўлга қўйилмаганлиги билан боғлиқдир. Бундай камчиликлар белгиланган, давлат даражасидаги юқорида баѐн этилган хужжатлар, футбол ривожи учун имконият яратмоқда.

Ёш спортчиларни спортнинг ўйин турларига танлаш ва мўлжаллаш услубиятига бағишланган спорт амалиѐти тажрибалари ва тадқиқотлар, янги, анча самарали услубий йўлларни топишни талаб қилади.

Маълумки, спорт иқтидори ташҳиси ҳали ўз такомиллашувидан жуда узоқдадир.

Айни вақтда, спорт курашларида рақобатни ошиб бориш тенденцияларини тавсифловчи, спортни ривожланитириш замонивий босқичлари, илм-фан олдига келгусида спортчиларни танлаш ва уларнинг тайѐргарлигини баҳолаш услубиятлари самарадорлигини ошириш зарурияти тўғрисидаги саволларни кескин қўймоқда.

Замонавий талаблар даражасидаги юқори спорт натижаларига эришиш, футбол билан шуғулланиш истагидаги ҳар бир бола учун осон эмас.

Ўзбекистоннинг етакчи футболчиларининг биографиясини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар спорт йўлининг аввалида ўз тенгдошларидан аниқ сифат хусусиятлари билан ажралиб турганлар: яхши жисмоний ривожланиш, анча такомиллашган координация ҳаракатлар, фикрлаш тезлиги ва жасурлик. Бундай сифатлар сақланиб қолган ва футболчининг келгуси спорт такомиллашув фаолиятида мақсадга интилиш, меҳнатсеварлик, қатъият ва матонатни мунтазам тарбиялаш билан уйғунлашиб юқори натижаларга эришиларига замин яратган (Г.Красницкий, Б.Абдураимов, М.Ан, В.Федоров, Л.Хадзипанакис, М.Косимов).

Янгидан то спорт устаси даражасигача етакчи футболчиларнинг босиб ўтган йўллари 6 – 9 йил. Замонавий футбол атлетик ўйин ҳсобланади. Ўйин ҳаракатларининг юқори темпи, вазиятларнинг тез ўзгариши, тўп учун курашда бевосита рақиб билан мулоқот, тактик вазифаларни ечишдаги чегараланган вақт, ҳаяжон ва унинг бошқа хусусиятлари футболчининг ҳаракат, функционал ва руҳий ҳолатига катта талаб қўяди.

Шунинг учун футбол билан шуғулланиш учун болаларни танлаш мумаммоларини, боланинг ҳаракат, функционал ва руҳий фаолиятининг турли томонларини, уларнинг спорт маҳоратини шакллантириш жараѐнидаги мустақил ривожланиш хусусиятларини тўлиқ ўрганмасдан хал қилиб бўлмайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, танлаш – бу бир лаҳзалик синов эмас, балки тадқиқотнинг педагогик, психологик, тиббий-биологик услубиятларини қўллаш билан футболчиларни спорт такомиллашувини турли босқичларда амалга ошириш тадбирларини кўп қирралилигини назарда тутувчи қатъий ўйланган кўп босқичли тизимдир.

Педагогик услубиятлар ѐш футболчиларнинг спорт маҳорати хусусиятларини аниқлаш, куч, тезкорлик, чидамкорлик, эпчиллик каби сифатларни ривожланиш даражаси ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганишга имкон беради. Тиббий-биологик услубиятлар, болаларнинг функционал хусусиятлари ва тизимларини ўрганиш, уларнинг олий асаб тизими фаолиятининг индивидуал хусусиятларини аниқлаш, морфологик кўрсаткичларни тавсифлаш ва баҳолаш учун жуда муҳим.

Психологик услубиятлар, футболчиларнинг тезкор (тактик) фикрлаш хусусиятларини, ўйинчиларнинг жамоадаги психологик мослашуви, уларнинг эмоционал барқарорлигини аниқлашга ѐрдам беради.

Илмий-услубий адабиѐтлар таҳлили ва педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда танловнинг икки услуби қўлланади:

Биринчи – мураббий янгиларни бир-бири билан учрашув ўтказадиган икки жамоага бўлади. Ўйин мобайнида, у болалар ҳаракатини кузатиб, улар орасидан энг ақлли, тез фикрловчи, эпчил ва фаол болани ажратиб олади. Шундан сўнг, табиий саралаш ва ўкув гуруҳини тўлдириш билан тайѐргарликнинг бошланғич босқичи бошланади.

Иккинчи – ўйин ҳаракатларини эксперт баҳолашга қўшимча тестлар қўлланилади: тури бўлакларга югуриш, сакраш машқлари, содда техник усуллар: - аниқлик ва узоқликки тўпга зарбалар, тўп узатишлар, тўпни олиб юриш ва ҳак. Кўпгина бундай тестларнинг башоратли ахборотлли паст бўлиши аниқланган, чунки янгилар – бу умуман ҳаракат тажрибалари турлича бўлган болалардир. Шундай қилиб, танлов вақтида боланининг ўз ҳаѐтидаги ўзлаштирган билим ва кўникмалари баҳоланади. Негизида болаларнинг футболга нисбатан истиқболлари ҳақида башорат қилувчи, имкониятларини баҳолаш керак.

Шунинг учун, танлов қуйидаги аниқ талабларга мос келиши лозим:

- улар башорат ахборотлиликка эга бўлишлари керак;
- ишончли бўлишлари;
- ўлчовларнинг стандартлаштирилган тизимига эга бўлишлари;
- ундаги натижалар баҳолаш тизимига эга бўлишлари; - қўлланилиши осон ва содда бўлиши керак.

- **Ишнинг мақсади** - спорт мўлжалининг ташкилий ва услубий жиҳатларини ҳисобга олиб, ѐш спортчилар тайѐргарлик тизимини келгусида такомиллаштириш ҳамда футбол бўйича БЎСМда ѐш истиқболли футболиларни тановининг самарали услубиятларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот фарази.** 9-11 ѐшли болаларнинг жисмоний тайѐргарлик ва морфофункционал тавсифлари бўйича спорт мўлжали ахборотли мезонларини аниқлаш, услубиятни ишлаб чиқишга ва ѐш футболчиларнинг махсус тайѐргарлигини баҳолаш учун меъѐрий талабларни аниқлашга ѐрдам бериши фараз қилинди. Буларнинг барчаси спорт захираларининг ўкувмашғулот жараѐнини ва тайѐргарлик сифатини яхшилаш имкониятини беради.

**Тадқиқот предмети** – спорт мактаблари ўкув-машғулот гуруҳларида ѐш футболчиларнинг истиқболли мезонлари ҳисобланди.

**Тадқиқот ҳажми.** Ёш спортчиларни уларнинг педагогик ва биологик тавсифлари асосида баҳолаш мезонлари.

**Илмий янгилик** қуйидагилардан иборат:

- жисмоний тайѐргарлик кўрсаткичлари ва морфофункционал тавсифларнинг башоратлилик аҳамияти очиб берилди;

- спорт мактаблари ўкув-машғулот гуруҳларига ѐш спортчиларни қабул қилиш учун меъѐрий талаблар аниқланда ва назорат-ўтиш меъѐрлари ишлаб чиқилди;

- спорт мактаблари ўкув-машғулот гуруҳларида футбол билан шуғулланиш учун болаларни танлаш мезонларининг самарадорлиги асосланди;

**Амалий аҳамияти**. Тадқиқот натижалари спорт мактабларида қўлланилиши мумкин:

- ѐш спортчиларни индивидуал ҳусусиятларини комплекс баҳолаш учун;

- бошланғич танлов ва бошланғч спорт ихтисослиги босқичида спорт муваффақиятларини бошорат қилиш учун;

- жисоний тарбия институти талабалари учун ѐш спортчиларни футбол гуруҳларига танлаш муаммолари бўйича курс маърузаларини тузишда;

- қўшимча таълим муассалари ишларини тартиблаштирувчи дастуриймеъѐрий хужжатларни тузишда.

Болаларда спортда аҳамиятли сифатларни, уларнинг ривожланиш даражаси ва усиш темпини очиб берилиши, футбол билан шуғулланиш учун истеъдодни баҳолаш мезонларини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади;

- спорт мактаблари ўқув-машғулот гуруҳларида таълим йили бўйича футбол билан шуғулланиш учун ишлаб чиқилган меъѐрий талаблар, спорт тайѐргарлигининг ҳар бир босқичида педагогик назоратни тўғри амалга оширишга имкон беради;

- тавсия қилинган, футбол билан шуғулланиш учун болаларини дастлабки танлов услубияти, жисмоний сифатларни ўсиш даражаси ва балоғат кайфияти мезонлари бўйича уларнинг истиқболларини тўғри баҳолаш учун, 2-3 йил мобайнида ярим йиллик оралиқ билан дастлабки ва такрорий тажрибалар ва текширувларни назарда тутади.

**1-жадвал.10-11 ёшли футболчилар учун футбол ўйин техникаси ва жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрлар.**

| № | Тестлар | 10 ѐш | 11ѐш |
|---|---|---|---|
| Майдон ўйинчилари ва дарвоза учун умум жисмоний тайѐргарлик бўйича | | | |
| 1 | 30 м югуриш (сония) | 5.2 | 5.0 |

ISSN: 2181-3906
2025
International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 4 / ISSUE 3 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2 | Жойдан узунликка сакраш (см) | 160 | 170 |
| 3 | Жойда уч карра сакраш (см) | 450 | 460 |
| Махсус жисмоний тарбия бўйича | | | |
| 1 | Тўпни узоққа ташлаб бериш-аут (м) | 12 | 13 |
| 2 | “Восьмерка” тест (сония) | 18.0 | 17.0 |
| ***Футбол ўйин техникаси*** | | | |
| 1 | Жоглѐрлик ва тўп узатиш | 9б | 9б |
| 2 | Тўп олиб юриш ва дарвозага зарбалар | 18б | 18б |
| 3 | Тўпни олиб юриш ва аниқ тушишга узун узатиш | 18б | 18б |
| 4 | Тўпни қисқа узатиш (30 сония ичида) | 25 | 25 |

**2-жадвал.12-13 ёшли футболчилар учун футбол ўйин техникаси ва жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрлар.**

| № | Тестлар | 12 ѐш | 13ѐш |
|---|---|---|---|
| Майдон ўйинчилари ва дарвоза учун умумий жисмоний тайѐргарлик бўйича | | | |
| 1 | 30 м югуриш (сония) | 4,8 | 4,6 |
| 2 | Жойдан узунликка сакраш (см) | 180 | 200 |
| 3 | Жойда уч карра сакраш (см) | 520 | 560 |
| **Махсус жисмоний тарбия бўйича** | | | |
| 1 | Тўпни узоққа ташлаб бериш-аут (м) | 14 | 15 |
| 2 | “Восьмерка” тест (сония) | 16,0 | 15,0 |
| **Футбол ўйин техникаси** | | | |
| 1 | Жоглѐрлик ва тўп узатиш | 9б | 9б |
| 2 | Тўп олиб юриш ва дарвозага зарбалар | 18б | 18б |
| 3 | Тўпни олиб юриш ва аниқ тушишга узун узатиш | 18б | 18б |
| 4 | Тўпни қисқа узатиш (30 сония ичида) | 25 | 25 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Дарвозабон учун** | | | |
| 1 | Узоқликка ва аниқликка қўлдан тўпга зарба (м) | - | 30 |
| 2 | Сакрашда осилган тўпни мушт билан уриш (см) | - | 45 |
| 3 | Тупни узоқликка узатиш (м) | - | |

**3-жадвал.14-15 ёшли футболчилар учун футбол ўйин техникаси ва жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрлар.**

| № | Тестлар | 14 ѐш | 15ѐш |
|---|---|---|---|
| **Майдон ўйинчилари ва дарвоза учун умумий жисмоний тайёргарлик бўйича** | | | |
| 1 | 30 м югуриш (сония) | 4,3 | 4,2 |
| 2 | Жойдан узунликка сакраш (см) | 220 | 225 |
| 3 | Жойда уч карра сакраш (см) | 600 | |
| 4 | Жойда беш карра сакраш (м) | - | 12,00 |
| **Махсус жисмоний тарбия бўйича** | | | |
| 1 | Тўпни узоққа ташлаб бериш-аут (м) | 17 | 19 |
| 2 | “Восьмерка” тест (сония) | 14,5 | 14,2 |
| **Футбол ўйин техникаси** | | | |
| 1 | Жоглѐрлик ва тўп узатиш | 9б | 9б |
| 2 | Тўп олиб юриш ва дарвозага зарбалар | 18б | 18б |
| 3 | Тўпни олиб юриш ва аниқ тушишга узун узатиш | 18б | 18б |
| 4 | Тўпни қиска узатиш (30 сония ичида) | 25 | 25 |
| **Дарвозабон учун** | | | |
| 1 | Узоқликка ва аниқликка қўлдан тўпга зарба (м) | 34 | 38 |
| 2 | Сакрашда осилган тўпни мушт билан уриш (см) | 50 | 55 |
| 3 | Тупни узоқликка узатиш (м) | 24 | 26 |

**4-жадвал.16-17 ёшли футболчилар учун футбол ўйин техникаси ва жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрлар.**

| № | Тестлар | 16 ѐш | 17ѐш |
|---|---|---|---|
| ***Майдон ўйинчилари ва дарвоза учун умумий жисмоний тайёргарлик бўйича*** | | | |
| 1 | 30 м югуриш (сония) | 4,1 | 4,1 |
| 2 | Жойдан узунликка сакраш (см) | 240 | 250 |
| 3 | Жойда уч карра сакраш (см) | - | - |
| 4 | Жойда беш карра сакраш (м) | 12,50 | 13,00 |
| ***Махсус жисмоний тарбия бўйича*** | | | |
| 1 | Тўпни узоққа таўлаб бериш-аут (м) | 21 | 23 |
| 2 | “Восьмерка” тест (сония) | 14,0 | 13,5 |
| ***Футбол ўйин техникаси*** | | | |
| 1 | Жоглѐрлик ва тўп узатиш | 9б | 9б |
| 2 | Тўп олиб юриш ва дарвозага зарбалар | 18б | 18б |
| 3 | Тўпни олиб юриш ва аниқ тушишга узун узатиш | 18б | 18б |
| 4 | Тўпни қисқа узатиш (30 сония ичида) | 25 | 25 |
| **Дарвозабон учун** | | | |
| 1 | Узоқликка ва аниқликка қўлдан тўпга зарба (м) | 40 | 43 |
| 2 | Сакрашда осилган тўпни мушт билан уриш (см) | 58 | 60 |
| 3 | Тупни узоқликка узатиш (м) | 30 | 32 |

**Хулоса.** Шундай қилиб, футболда танлов муаммоларига бағишланган ишларни ўрганиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкин, айни пайтда спорт назарияси ва амалиѐтида илмий асосланган ѐш футболчиларни спорт танлов услубияти мавжуд. Иш таҳлили шуни кўрсатадики, танлов услубиятлари самарадорлигини тадқиқ этиш ўрта мактаб ѐши (2,38,48) ва қисман катта ѐшдаги ўқувчилар (28,30) гуруҳларида ўтказилган.

Бу албатта, махсус базавий тайѐргарлик босқичида футболчилар имкониятларини башоратлашга ѐрдам беради. Шу вақтнинг ўзида, бирламчи танлов саволларига

бағишланган тадқиқот ишлари жуда кам. Албатта, ўйин ривожининг замонавий ғоялари, болаларни футбол билан эрта таништириш бирламчи муаммо сифатида ўртага ташланмоқда.

Махсус адабиѐтлар таҳлилишуни кўрсатадики, ѐш футболчиларда юқори аниқликда спорт натижаларини башорат қилишга ѐрдам берадиган ривожланиш даражаси ҳамда сифатларга эга. Уларга қуйидагилар киради: тезкорлик ва тезкор-куч сифатлари; координация хусусиятлари, техник усулларни ўзлаштирилиш темпи ва сифати; футболчилар эҳтимолдаги фаолият самарадорлигини аниқловчи психологик тавсифлар; мусобақа фаолияти тавсифи.

Танлов самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи-бу амалиѐтда унинг кенг қўлланилишидир. шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, тўпланган тадқиқот маълумотлари амалиѐтга киритилмаган назарий фикрлар ҳисобланади. Спорт ҳусусиятлаи муаммолари, индивидуал фарқланиш муаммолари билан чамбарчас боғлиқдир. Индивидуал балоғатга етиш темпи (биологик ѐш), боланинг саматик типи в унинг ривожланиш вариантларини ҳисобга олиш ҳам жуда муҳим.

Юқорида баѐн этилганлардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин, оҳирги ўттиз йилда бажарилган тадқиқот натижалари асосида, спорт танлови назарияси ва услубияти бўйича бир қатор исботланган тушунчалар шаклланган.

## REFERENCES

1. Djalilova S., Tursunboyeva L., Kazakhov R. ENGAGING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 386-395.
2. Tursunboyeva L., Djalilova S., Kazoqov R. ABOUT TEACHING SPEAKING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 376-385.
3. Kazoqov R. et al. MARKETING TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI SPORT TASHKILOTLARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YOLLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 572-578.
4. Aripov Y. Y. et al. PROFESSIONAL SPORTNI BOSHQARISH MODELLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 597-587.
5. Jumayev U. X. et al. SPORT SOHASIDA MARKETING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRSH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 588-597.

6. Умаров Д. Х. и др. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES OF PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 455-462.
7. Керимов Ф. А. и др. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 463-470.
8. Kazoqov R. T. et al. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 911-918.
9. Жумаев У. Х., Казоков Р. Т., Жумаев М. Х. ЗНАЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ФИС //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 789-796.
10. Казоқов Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.
11. Pulatova M. D., Kazoqov R. T., Sultanova N. K. SPORTCHILARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 585-591.
12. Азимова У., Казоқов Р., Холматов Б. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 592-598.
13. Пулатова М. Н., Казоқов Р. Т., Султанова Н. К. МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-138.
14. Чанкаев Ў. А., Казоқов Р. Т., Султанова Н. К. ЁШЛАРДА ТАФАККУР ТАНҚИДЧАНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТОБЕЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 280-288.
15. Расулов А. Ғ., Казоқов Р. Т. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИШТИРОКИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎРНИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 544-551.

16. Cho'lliyev S. I., Yuldasheva K. A., Kazakov R. T. THE IMPORTANCE OF MODELING SPORTS FOR SCHOOL-AGE CHILDREN IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 598-901.
17. Казоқов Р. Т., Холбоева Д. Р. КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 90-97.
18. Каримов Б. З., Казоқов Р. Т. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҲАРАКАТ МАЛАКАЛАРИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 32-39.
19. Казоқов Р., Джўрабаев А., Бўриев Б. Ёш футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ўйин услубини такомиллаштириш //Sport ilm-fanining dolzarb muammolari. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 54-56.
20. Каримов Х. А., Казоқов Р. Т. ЯНГИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
21. Kazaqov R. T. et al. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 902-910.
22. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
23. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO ‘RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
24. Buraimov I., Kazoqov R. XOKKEYCHILAR FAOLIYATINING FIZIOLOGIK XUSUSIYATLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 49-56.
25. АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
26. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.

27. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO ‘RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
28. Казоқов Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.
29. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
30. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
31. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
32. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
33. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.
34. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
35. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
36. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.

37. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
38. Казоқов Р. Т., Мирзабдиллаева А. И., Мирзабдиллаева Х. И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
39. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
40. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.
41. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
42. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
43. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
44. Казоқов Р. Т., Жўрақўзиев О. О., Эшпўлатов С. С. СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.

45. Казоқов Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р.КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ // МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.
46. Ziyamuxamedova S. A., Kazaqov R. T., Shukurova S. S. SOME BIOCHEMICAL BLOOD RESEARCHES OF ROWERS DURING PREPRATION PERIOD AND CONTESTS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 982-989.
47. Исмаилова М. Ш., Казоқов Р. Т., Абдуллаев И. И. МОРФО-ФУНКЦИОНАЛ ВА АНТРОПОГЕНЕТИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРГА КЎРА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШЧАНЛИК НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 131-138.
48. Джураева Х. Х., Файзиева Д. М., Казоков Р. Т. ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА СПОРТИВНОЙ ЛЕКСИКИ С ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА НА РУССКИЙ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 215-222.
49. Allamurodov S. I. et al. O ‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO‘RSATKICHLARI BO ‘YICHA QAYD ETILGAN NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 39-48.
50. Ярашев К. Д., Рашидов А. У. Теоретическое обоснование проблемы подготовки будущих специалистов к управленческой деятельности в сфере физической культуры и спорта //Fan-Sportga. – 2020. – №. 6. – С. 61-62.
51. Laughlin R. M. Mol cholobil k′op ta sotz′leb. – Centro de Investigaciones y Estudios Superiores en Antropología, 2007.
52. Yarashev K. D. et al. O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO'RSATKICHLARI BO'YICHA QAYD ETILGAN NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI. – 2024.